

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Т.03.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

АТАУЛЛАЕВ АМИНЖОН ОДИЛОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН
СҮЮҚЛИК САРФИНИ ЎЛЧОВЧИ ҲАЛҚАСИМОН КАНАЛЛИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг
элементлари ва қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (Phd)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Phd)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (Phd)

Атауллаев Аминжон Одилович

Технологик жараёнлар бошқарув тизимлари учун суюқлик сарфини ўлчовчи
ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиригичлар 3

Атауллаев Аминжон Одилович

Электромагнитные преобразователи расхода жидкости с кольцевыми
каналами для систем управления технологическими процессами 21

Ataullaev Aminjon Odilovich

Electromagnetic liquid flow transducers with annular channels for process control
systems 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017 Т.03.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

АТАУЛЛАЕВ АМИНЖОН ОДИЛОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН
СҮЮҚЛИК САРФИНИ ЎЛЧОВЧИ ҲАЛҚАСИМОН КАНАЛЛИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ ЎЗГАРТИРГИЧЛАР**

**05.01.06 – Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг
элементлари ва қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/T998
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент темир йўл мұхандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий
кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталаида
(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Амиров Султон Файзуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиқов Илхомжон Ҳакимович
техника фанлари доктори, профессор

Назаров Ҳайридин Нуритдинович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» соат ____ даги
мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-
46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга
олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф. Мамиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Х.З. Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
т.ф.д., профессор, академик

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқ хўжалигининг турли тармоқларидағи мавжуд технологик жараёнларини автоматик назорат қилиш ва бошқарув тизимлари ҳамда техник воситаларини такомиллаштириш, жумладан бошқариш усуллари ва алгоритмлари, уларнинг элементлари ва қурилмаларининг техник тавсифларини яхшилаш, функционал имкониятларини кенгайтириш, конструкцияларини такомиллаштириш етакчи ўринни эгалламоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Чехия, Япония, Россия, Хитой ва бошқа давлатларда, ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологияларини комплекс автоматлаштириш базасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи технологик ва ишлаб чиқариш параметрларини назорат қилиш ва бошқаришнинг техник воситаларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга суюқлик оқимини бошқариш билан боғлиқ бўлган технологик жараёнларда суюқлик сарфини ўлчовчи бошқарув тизимларини ўзгартиргичларининг ўлчаш сезгирилиги, аниқлиги ва тезкорлигини ошириш, асимметрик суюқлик оқими сарфларини ўлчаш хатолигининг камайтириш, экстремал эксплуатация шароитларида ишончлилигини ошириш, масса-габарит ўлчамларининг кичиклаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда ахборот-ўлчаш тизимларининг суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичларнинг ўлчаш сезгирилиги, аниқлиги ва тезкорлигини ошириш, асимметрик суюқлик оқими сарфларини ўлчаш хатолигининг камайтиришга боғлиқ бўлган тавсифларини яхшилаш, уларнинг конструкция ва схемаларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргичлар магнит занжирлари ва уларнинг актив зонасида ҳаракатланаётган суюқлиқда магнит майдони таъсирида ҳосил бўладиган электр майдони математик моделларини ишлаб чиқиши, суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичларнинг конструкция ва схемаларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Шу билан бирга сезгирилиги ва аниқлиги юқори ҳамда бутун ўлчаш диапазонида чизиқли статик тавсифларга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи янги электромагнит ўзгартиргичларни ишлаб чиқиши зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда энергия ва ресурслар сарфини камайтирувчи энергия тежамкор технология ва техник воситалари ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш,... ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, ... ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг тадбиқ этиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни бажаришда, жумладан технологик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

жараёнлар бошқарув тизимлари учун суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичларни яратиш мухим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргичларни ишлаб чиқиш бўйича долзарб масалаларни бажаришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Michigan ва General Elektric, Bergen Laboratories Ins. (АҚШ), Technical University of Ilmenau и Siemens, Siemens ind Halke (Германия), Davy and United Instruments (Буюк Британия), Sony и Tokyo Technology Institute, Toshiba (Япония), ASEA (Швеция), Kelk Electronics (Канада), «НИИтеплоприбор» АЖ, (Россия), Таллинн давлат техника университети (Эстония) ҳамда Тошкент давлат техника университети, “Ирригация ва сув муаммолари” илмий-тадқиқот институти ва Тошкент темир йўл мұхандислари институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

J.A. Shercliff, J.S. Arnold, B. Thurlimann, A. Kolin, L.A. Salami, M.K. Bevir, T. Shimizu, И.Д. Вельт, Ю.В. Михайлова, М.Я. Гаммерман, Э.Г. Звенигородский, Б.И. Никитин, А.К. Кавиев, Л.М. Корсунский, Н.И. Логинов, В.И. Межбурд, М.П. Росманн, Г.Х. Кирштейн, Ф.П. Неймарк, Ю.П. Мальцев, М.Ф. Зарипов, Р.К. Азимов, А.А. Азимов, С.П. Колмыков, С.Ф. Амирров ва бошқа олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргичлар назарий асослари ишлаб чиқилди, конструкциялари ва схемалари такомиллаштирилди ҳамда улар саноат миқёсида кенг қўламда ишлаб чиқарилди.

Бироқ сезгирилиги ва асимметрик суюқлик оқимлари сарфини ўлчаш аниқлигини ошириш ҳамда ўзгартериш функцияси чизиқлилигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл мұхандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №3 - «Электромагнит ўлчаш воситаларини такомиллаштириш» (2012-2016) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади технологик жараёнлар бошқарув тизимлари учун мўлжалланган сезгирилиги ва асимметрик суюқлик оқими сарфини ўлчаш

аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргичларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий босқичда технологик жараёнлар бошқарув тизимлари томонидан суюқлик сарфини ўлчаш ўзгартиргичларига қўйиладиган асосий талабларни шакллантириш;

мавжуд суюқлик сарфини ўлчаш ўзгартиргичларининг асосий техник тавсифларини қиёсий тадқиқ қилиш;

технологик жараёнлар бошқарув тизимлари учун суюқлик сарфини ўлчаш ўзгартиргичлари турини танлаш ва асослаш;

сезгирилиги ва асимметрик суюқлик оқими сарфини ўлчаш аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичларининг асосий тавсифларини тадқиқ қилиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида сезгирилиги ва аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сезгирилиги ва аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлари ҳамда уларнинг асосий тавсифларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тақсимланган параметрларга эга электр ва магнит занжирлари, электромагнит майдон ҳамда хатоликлар назариялари, турли физик табиатга эга занжирларнинг энергия - информацион моделлари ва параметрик структура схемалари аппарати ҳамда тадқиқотнинг тажрибавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

сезгирилиги ва аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргич ишлаб чиқилган;

электромагнит ўлчаш ўзгартиргичларининг кўп контурли ва тарқоқ параметрли электромагнит занжирларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

электр ва магнит занжирлар параметрлари тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда янги суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичнинг математик модели ишлаб чиқилган;

суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргич ҳалқасимон каналида қутб наконечниклари навбати билан алмашиниб келадиган магнит тизимини жойлаштириш орқали ўзгартиргич сезгирилигини ошириш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит

ўзгартиргичнинг янги конструктив схемаси ишлаб чиқилган;

суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар динамик характеристикаларини тадқиқ учун уларнинг параметрик структура схемалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарқоқ параметрли занжир ва тизимларни ҳисоблаш усулларини, электромагнит майдонининг асосий қонунлари, назариялари ва ҳисоблаш усулларини тўғри қўллаш билан асосланади, шунингдек назарий ва тажриба натижаларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзгартиргич параметрларининг тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичларининг математик моделларини яратиш орқали битта ва кўп контурли параметрлари тарқоқ магнит занжирларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар электр ва магнит занжирлари дифференциал тенгламаларини тузиш орқали тарқоқ параметрли электромагнит ўзгартиргичларининг магнит занжирларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги ҳамда суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар асосий техник тавсифларини яхшилаш ва уларнинг қидириш-лойиҳалаш босқичига сафрланадиган вақтни қисқартириш имконини берувчи умумлаштирилган усуллар аниқлаш ва морфологик жадвалларни тузиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Технологик жараёнлар бошқарув тизимлари учун суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар бўйича олинган натижалар асосида:

сезгирилиги ва аниқлиги юқори ҳамда чизиқли статик тавсифга эга бўлган суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргич қурилмасига Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№IAP 04960-2014 г.). Натижада технологик жараёнлар бошқарув тизимларида қўлланадиган суюқлик сарфини ўлчаш ўзгартиргичларида юқори сезгирилик, аниқлик, суюқлик сарфининг бутун ўлчаш диапазони бўйлаб электр сигналга ўзгартиришнинг чизиқлилиги, эксплуатациянинг экстремал шароитларида тавсифларнинг юқори ишончлилиги ва барқарорлигига эришилган;

сезгирилиги ва асимметрик суюқлик оқими сарфини ўлчашда аниқлигининг юқорилиги ҳамда бутун ўлчаш диапазонида чизиқли статик тавсифларга эга бўлган янги суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргич “Бирлашган энергия хизмати” шаҳар сув таъминоти тизимига жорий этилган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2019 йил 21 октябрдаги 01-01-10/13380-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргич сезгирилигини ошириш, асимметрик суюқлик оқими сарфини ўлчашдаги хатоликни камайтириш ва бутун ўлчаш диапазонида статик тавсифининг чизиқлилигини таъминлашга эришилган;

электромагнит ўлчаш ўзгартиргичларининг кўп контурли ва тарқоқ параметрли электромагнит занжирларини ҳисоблаш усули “Бирлашган энергия хизмати” шаҳар сув таъминоти тизимига жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2019 йил 21 октябрдаги 01-01-10/13380-сон маълумотномаси). Натижада кўп контурли ва параметрлари тарқоқ жойлашган магнит занжирларини ҳисоблаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиши имкони яратилган;

электр ва магнит занжирлар параметрлари тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда янги суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичларининг математик модели “Бирлашган энергия хизмати” шаҳар сув таъминоти тизимига жорий қилинган (“Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг 2019 йил 21 октябрдаги 01-01-10/13380-сон маълумотномаси). Натижада яратилган ўзгартиргич қўлланиладиган тизим сифат кўрсатгичларини ҳисоблаш аниқлигини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 2 та хорижий ва 5 та республика журналларида нашр этилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога 1 та патенти ва ЭХМлар учун дастурий воситага 1 та гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хуроса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот обьекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши кўрсатилган.

“Суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичлар таҳлили” номли биринчи бобда ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларидағи суюқлик сарфи билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар бошқарув тизимлари схемаларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Ушбу бошқарув тизимларида суюқлик сарфини ўлчашда қўлланилган бирламчи ўзгартиргичларга қўйиладиган асосий талаблар белгиланди. Технологик жараёнлар бошқарув тизимларида қўлланиладиган суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичлар оширилган сезгирликка, суюқлик

оқимининг турли (ламинар, турбулент, асимметрик ва б.) режимларида юқори аниқликка, ишончлиликка, чизиқли статик тавсифга ҳамда фойдаланишнинг экстремал ҳолатларида барқарор техник кўрсаткичларга эга бўлиши лозимлиги аниқланди.

Суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичлар асосий техник тавсифларининг қиёсий баҳолаш натижаси шуни кўрсатдики, жуда кичик ва жуда катта миқдордаги ҳамда тескари йўналишдаги суюқлик сарфини ўлчай олиши, кўрсатишига суюқлик физик-кимёвий хоссаларининг ўзгаришини таъсир этмаслиги, агрессив, қовушқоқ, абразив суюқликлар, қуйқа (суюлтирилган ер жинслари) ва пульсацияланувчи оқим сарфини ўлчай олиши ҳамда имитация усулида ишончлаш имконияти мавжудлиги сабабли электромагнит ўзгартиргичлар технологик жараёнлар назорат ва бошқарув тизимлари талабларига бошқа русумли ўлчаш ўзгартиргичларига нисбатан тўлароқ жавоб берса олиши аниқланди.

Электромагнит принципда ишлайдиган суюқлик сарфини ўлчовчи ўзгартиргичларнинг тўлароқ таснифи тузилди. Кўндаланг, концентрик ва радиал магнит майдонли суюқлик сарфини ўлчовчи электромагнит ўзгартиргичлар конструктив схемалари, хосса ва хусусиятлари таҳлили шуни кўрсатдики, радиал магнит оқимли суюқлик сарфини ўлчовчи (ССЎ) ҳалқасимон каналли (ҲК) электромагнит ўзгартиргич(ЭМЎ)лар нисбатан кичик қувурлардаги(қувур диаметри тахминан 100 мм гача бўлганда) сарфни ўлчашда юқори сезгириликка ва асимметрик оқимлар учун юқори аниқликка эга.

Шу билан биргаликда, радиал магнит оқимли ССЎ ҲК ЭМЎлар конструктив схемалари, хосса ва хусусиятлари таҳлили шуни кўрсатдики, кейинги илмий изланишлар турли (кичик ва катта) диаметрли қувурлардаги симметрик ва асимметрик суюқлик оқимлари сарфини юқори сезгирилик ва аниқликда ўлчайдиган ҲК ЭМЎлар янги конструкцияларини ишлаб чиқиш, уларни математик моделларини яратиш ҳамда асосий техник характеристикаларини тадқиқ этишга бағишиланиши лозим аниқланди.

Адабиёт манбаларининг таҳлили натижалари ва қўйилган мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб, тадқиқотнинг асосий вазифалари белгиланди.


“Суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар конструкцияларини такомиллаштириш” номли иккинчи боб техник ижодиётнинг энергия-информацион ва морфологик матрица усувлари ҳамда ягона математик аппарат ёрдамида турли физик табиатга эга жараён ва ҳодисаларни талқин қилиш имконини берадиган параметрик структура схемалар (ПСС) аппаратидан фойдаланган ҳолда ССЎ ҲК ЭМЎлар мавжуд конструкцияларини такомиллаштиришга қаратилган.

Ихтиrolар ҳалқаро классификациясининг G 01 F 1/58 ва G 01 P 5/00 нимгурухлари таркибига киритилган патентлар “Ихтиро-прототип” жуфтликларини таҳлили асосида ССЎ ЭМЎлар конструкцияларини такомиллаштиришнинг конструктив, технологик ва параметрик умумлашган усувлари аниқланди. Уларнинг таҳлилига кўра умумлашган усувларининг энг кўп миқдори ўзгартиргичнинг магнит тизими конструкциясини, энг кам миқдори эса қувур шаклини такомиллаштиришга, шунингдек ўзгартиргичнинг

энг кўп яхшиланадиган тавсифи – бу унинг аниқлиги бўлса, энг ками – унинг тезкорлиги эканлиги аниқланган.

ССЎ ЭМЎлар конструкциялари морфологик усул ёрдамида такомиллаштиришда морфологик матрица элементлари сифатида ўзгартиргич қувури, қутб наконечниклари, магнит юритувчи куч манбаи, электродлари ва қувурнинг ички изоляцияси каби элементлари олинди. Морфологик матрицанинг энг кўп вариантга эга бўлган элементи ўзгартиргичнинг қутб наконечниклари, энг кам вариантга эга бўлган элементи эса қувурнинг ички изоляцияси эканлиги аниқланди.

ССЎ ЭМЎ қувури актив зонасида ўзаро коаксиал жойлашган бир нечта очиқ ҳалқасимон қутб наконечникларини жойлаштириш ва ҳар бир ёндош қутб наконечниклари ҳар хил номланган учларини қўзғатиш чулғами ўралган ферромагнит туташтиргичлар билан ўзаро улаш орқали ҳосил қилинган ҳалқасимон каналлардаги магнит майдони индукциясини ва актив зона узунликларини ошириш ҳисобига ўзгартиргич сезгирилигини оширишга эришилган (1- расм).



1 – Z симон ўзак; 2,5- ёпик ҳалқасимон магнит ўтказгичлар; 3,4- очиқ ҳалқасимон магнит ўтказгичлар; 6,7- ферромагнит туташтиргичлар; 8,9- юпқа электродлар; 10- қўзғатиш чулғами

1- расм ССЎ ҲК ЭМЎ конструктив схемаси

“Суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар математик моделлари” номли учинчи бобда яратилган ССЎ ҲК ЭМЎлар битта ва кўп контурли магнит занжирлари ва актив зонаси электр занжирлари тарқоқ параметрли занжирлар кўринишида тадқиқ этилган ҳамда

улар учун тегишли аналитик ифодалар олинган.

Тадқиқ этилаётган ССҮ ҲК ӘМҮлар магнит ва электр занжирлари таҳлилини соддалаштириш мақсадида қуидаги чекловлар киритилган: 1) ҳалқасимон ферромагнит ўзаклар ва уларни ўзаро уловчи ферромагнит стержень бир хил материалдан монолит кўринишида ясалган; 2) қувур ўқи бўйлаб ҳалқасимон ферромагнит ўзакларнинг иккала четидаги сочилган магнит оқимлари ҳисобга олмаслик даражада кам; 3) ферромагнит ўзаклар магнит қаршилиги улардаги магнит майдони индукциясининг қийматига боғлиқ эмас, яъни магнит занжири магнитланиш асосий эгри чизифининг чизиқли қисмida ишлайди; 4) магнит майдонининг вакт бўйича ўзгариш частотаси жуда паст бўлганлиги сабабли ферромагнит ўзаклардаги уюрмавий токлар ҳисобга олмаслик даражада кичик қийматга эга.

ССҮ ҲК ӘМҮлар битта контурли магнит занжирларининг математик моделлари занжирлар параметрларининг тарқоқлиги ва сочилган магнит оқимларини ҳисобга олган ҳолда қуидагича ҳосил қилинди:

$$Q_{\mu 1}(\alpha) = F_{\kappa} \frac{\beta}{\Delta_1} \{ (W_{\mu s} + Z_{\mu \pi} \alpha_m) \{ sh(\beta \alpha^*) - sh[\beta(1 - \alpha^*)] \} - (W_{\mu s} sh \beta \} \}. \quad (1)$$

$$Q_{\mu 2}(\alpha) = -F_{\kappa} \frac{\beta}{\Delta_1} \{ (W_{\mu s} + Z_{\mu \pi} \alpha_m) \{ sh(\beta \alpha^*) - sh[\beta(1 - \alpha^*)] \} + (W_{\mu s} sh \beta \}, \quad (2)$$


$$B(\alpha) = \mu_0 \frac{U_{\mu}(\alpha)}{\delta_{ish}} = F_{\kappa} \mu_0 \frac{2(W_{\mu s} + Z_{\mu \pi} \alpha_m)}{\delta_{ish} \Delta_1} \{ ch(\beta \alpha^*) + ch[\beta(1 - \alpha^*)] \}. \quad (3)$$

$$B(\rho) = \left| \frac{Q_{\mu 2}(\alpha_m)}{b[2\pi\rho - (\delta_{s1} + \delta_{s2} + h_3)]} \right| = \left| F_{\kappa} \frac{2\beta sh \beta (W_{\mu s} + 0.5Z_{\mu \pi} \alpha_m)}{b[2\pi\rho - (\delta_{s1} + \delta_{s2} + h_3)] \Delta_1} \right|, \quad (4)$$

бу ерда $Q_{\mu 1}(\alpha)$, $Q_{\mu 2}(\alpha)$, $B(\alpha)$, $B(\rho)$ - ҳалқасимон магнит ўтказгичлардаги магнит оқимлари ва магнит индукциялари; F_{κ} - қўзғатиши чулғами магнит юритувчи кучи; $W_{\mu s}$ - сочилган магнит оқими бирлашадиган ишчи бўлмаган ҳаво ораликлари δ_{s1} ва δ_{s2} нинг магнит қаршилиги; $\beta = \sqrt{(Z_{\mu \pi 1} + Z_{\mu \pi 2}) C_{\mu \pi}} \alpha_m$ - магнит майдонини занжир бўйлаб сўниш коэффициенти; $Z_{\mu \pi 1} = \frac{2\pi r_{1\text{yp}} - h_3 - \delta_{s1}}{\mu \mu_0 b h_1 \alpha_m}$; $Z_{\mu \pi 2} = \frac{2\pi r_{2\text{yp}} - h_3 - \delta_{s2}}{\mu \mu_0 b h_2 \alpha_m} = Z_{\mu \pi}$; $C_{\mu \pi} = \mu_0 \frac{0.5b\pi(r_{1\text{yp}} + r_{2\text{yp}})}{\delta_{ish} \alpha_m}$ - ҳалқасимон магнит ўтказгичлар магнит қаршиликлари ва улар орасидаги ҳалқасимон ҳаво оралиги магнит сифимининг α бурчак бирлигига тўғри келадиган погон қиймати; h_1 h_2 , b ва δ_{ish} - мос равища ферромагнит ўзаклар ва уларни ўзаро туташтирувчи стержень қалинликлари, уларнинг канал ўқи бўйлаб узунлиги ва ўзаклар орасидаги ишчи ҳаво оралиги; μ , $\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7}$ Гн/м - мос равища ферромагнит ўзак материалининг нисбий магнит сингдирувчанлиги ва ҳавонинг абсолют магнит сингдирувчанлиги (магнит доимийси); α , α_m - бурчак координатаси ва унинг максимал қиймати; $\alpha^* = \frac{\alpha}{\alpha_m}$; ρ - радиал координата; $\Delta_1 = 2Z_{\mu \pi} \alpha_m [(Z_{\mu \pi} \alpha_m + W_{\mu s})(1 + ch\beta) - \beta sh\beta (2Z_{\mu 0} W_{\mu s} + 2Z_{\mu 0} Z_{\mu \pi} \alpha_m + W_{\mu s} Z_{\mu \pi} \alpha_m)]$.

Яратилган ССҮ ҲК ЭМҮ магнит занжири ҳалқасимон ферромагнит ўзагидаги магнит оқими магнит занжирининг ўртасида ўз йўналишини ўзгартириши, магнит оқимини занжир бўйлаб тарқалиш коэффициентининг ортиши билан унинг тақсимланиш ночизиқлиги ортиб бориши, магнит кучланиши (магнит индукцияси) эса магнит занжири ҳалқасимон ҳаво оралигининг боши ва охирида максимум, занжир ўртасида эса минимум қийматларга эга бўлиб, магнит оқимини занжир бўйлаб тарқалиш коэффициентининг ортиши билан магнит кучланиши(магнит индукцияси)нинг минимум қиймати камайиб бориши аниқланган.

Яратилган ССҮ ҲК ЭМҮ магнит занжири учун ҳосил қилинган магнит оқими ва магнит кучланиши(магнит индукцияси)нинг аналитик ифодалари ва улар асосида қурилган эгри чизиклар таҳлили шуни кўрсатадики (2-расм), ишчи бўлмаган ҳаво оралиғи магнит қаршилиги ($W_{\mu s}$) чекли қийматга эга бўлганда



2- расм. Магнит оқими (а) ва магнит кучланиши (магнит индукцияси) (б) ларнинг ишчи бўлмаган ҳаво оралиғи магнит қаршилиги $W_{\mu s}$ нинг турли қийматлари учун координатага боғлиқлик эгри чизиклари

ҳалқасимон ферромагнит ўзакдаги магнит оқими занжир узунлиги бўйлаб ўз йўналишини ўзгартиради ва бу ўзгариш $W_{\mu s} = 0$ бўлганда магнит занжирининг ўртасида содир бўлади (занжирни ҳисоблаш хатолиги $7 \div 11\%$ ни ташкил этади), $W_{\mu s} = \infty$ деб олинганда эса магнит оқими занжир узунлиги бўйлаб ўз йўналишини ўзгартирмайди ва максимал қийматидан нолгача ёки аксинча ўзгараради (занжирни ҳисоблаш хатолиги $18 \div 22\%$ ни ташкил этади).

Яратилган ССҮ ҲК ЭМҮ магнит тизимлари қўп контурли ва параметрлари тарқоқ жойлашган магнит занжирларини ташкил этади ҳамда уларнинг математик моделлари қуидаги иккинчи тартибли дифференциал тенгламалар системаси кўринишида ифодаланиши аниқланди:

$$\begin{cases} \frac{d^2 U_{\mu 12}}{dx^2} = (Z_{\mu \pi 1} + Z_{\mu \pi 2}) C_{\mu \pi 12} U_{\mu 12} + Z_{\mu \pi 3} C_{\mu \pi 23} U_{\mu 23}, \\ \frac{d^2 U_{\mu 23}}{dx^2} = Z_{\mu \pi 2} C_{\mu \pi 12} U_{\mu 12} + (Z_{\mu \pi 2} + Z_{\mu \pi 3}) C_{\mu \pi 23} U_{\mu 23} + Z_{\mu \pi 3} C_{\mu \pi 34} U_{\mu 34}, \\ \frac{d^2 U_{\mu 34}}{dx^2} = Z_{\mu \pi 3} C_{\mu \pi 23} U_{\mu 23} + (Z_{\mu \pi 3} + Z_{\mu \pi 4}) C_{\mu \pi 34} U_{\mu 34} + Z_{\mu \pi 4} C_{\mu \pi 45} U_{\mu 45}, \\ \frac{d^2 U_{\mu 45}}{dx^2} = Z_{\mu \pi 4} C_{\mu \pi 34} U_{\mu 34} + (Z_{\mu \pi 4} + Z_{\mu \pi 5}) C_{\mu \pi 45} U_{\mu 45}. \end{cases} \quad (5)$$

Иккита контурли тарқоқ параметрли магнит занжири учун (5) дифференциал тенгламалар системани ечиш мисолида яратылған ССҮ ҲК ӘМҮ магнит занжиригининг ишлаб чиқылған математик моделлари қуидагига тенг:

$$U_{\mu 12} = C_1 ch[\beta_1(1 - x^*)] + C_2 sh[\beta_1(1 - x^*)] + C_3 sh(\beta_1 x^*) + C_4 sh[\beta_2(1 - x^*)] + C_5 ch[\beta_2(1 - x^*)] - C_6 sh(\beta_2 x^*), \quad (6)$$

$$U_{\mu 23} = C_1 ch[\beta_1(1 - x^*)] + C_2 sh[\beta_1(1 - x^*)] + C_3 sh(\beta_1 x^*) - C_4 sh[\beta_2(1 - x^*)] - C_5 ch[\beta_2(1 - x^*)] + C_6 sh(\beta_2 x^*), \quad (7)$$

$$Q_{\mu 1} = -\frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_1 sh[\beta_1(1 - x^*)] - \frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_2 ch[\beta_1(1 - x^*)] + \frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_3 ch(\beta_1 x^*) - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_4 ch[\beta_2(1 - x^*)] - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_5 sh[\beta_2(1 - x^*)] - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_6 ch(\beta_2 x^*) + \frac{2F_{\kappa}}{Z_{\mu}}, \quad (8)$$

$$Q_{\mu 2} = -\frac{2}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_1 sh[\beta_1(1 - x^*)] - \frac{2}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_2 ch[\beta_1(1 - x^*)] + \frac{2}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_3 ch(\beta_1 x^*) + \frac{F_{\kappa}}{3Z_{\mu}}, \quad (9)$$

$$Q_{\mu 3} = \frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_1 sh[\beta_1(1 - x^*)] + \frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_2 ch[\beta_1(1 - x^*)] - \frac{1}{3Z_{\mu}} \beta_1 C_3 ch(\beta_1 x^*) - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_4 ch[\beta_2(1 - x^*)] - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_5 sh[\beta_2(1 - x^*)] - \frac{1}{Z_{\mu}} \beta_2 C_6 ch(\beta_2 x^*) + \frac{2F_{\kappa}}{Z_{\mu}}, \quad (10)$$

Бұрын ерда $C_1 = \frac{Q_{\mu s}(2W_{\mu s} + Z_{\mu \tau})(2Z_{\mu} \beta_1 sh \beta_2 + 4Z_{\mu ab} \beta_1 \beta_2 ch \beta_2)}{\Delta_3}$; $C_2 = \frac{(2W_{\mu s} + Z_{\mu \tau})6Q_{\mu s}Z_{\mu} \beta_2 ch \beta_2}{\Delta_3}$; $C_3 = \frac{6(Q_{\mu 1 \tau} + Q_{\mu 3 \tau})Z_{\mu \tau}Z_{\mu} \beta_2 - 4F_{\kappa}Z_{\mu} sh \beta_2 + 4F_{\kappa}Z_{\mu ab} \beta_2 ch \beta_2}{\Delta_3}$; $C_4 = \frac{2(Q_{\mu 1 \tau} + Q_{\mu 3 \tau})Z_{\mu \tau}Z_{\mu} \beta_1 ch \beta_1}{\Delta_3}$; $C_5 = \frac{2(Q_{\mu 1 \tau} + Q_{\mu 3 \tau})Z_{\mu \tau} \beta_2 (2Z_{\mu ab} \beta_1 ch \beta_1 + 3Z_{\mu} sh \beta_1)}{\Delta_3}$; $C_6 = \frac{2Q_{\mu s}Z_{\mu} \beta_1 (2W_{\mu s} + Z_{\mu \tau}) + 4F_{\kappa}Z_{\mu} sh \beta_2 + 4F_{\kappa}Z_{\mu ab} \beta_2 ch \beta_2}{\Delta_3}$.

Ишлаб чиқылған ССҮ ҲК ӘМҮ математик моделини ҳосил қилишда суюқлик оқими тезлигининг ҲК күндаланған кесими бүйіча тақсимланиши қуидаги иккита аналитик ифода күренишида берилған, деб ҳисобланди: 1) суюқлик оқимининг тезлиги қувур күндаланған кесими бүйлаб чизиқли қонуният билан ўзгарадыған ҳолат; 2) суюқлик оқимининг тезлиги қувур

күндаланг кесими бўйлаб максимуми қувур марказидан силжиган квадратик қонуният билан ўзгарадиган ҳолат.

Яратилган ССЎ ҲК ЭМЎ актив зонасида ҳаракатланаётган суюқликда магнит майдони таъсирида индукцияланадиган электр майдонининг математик моделини ишлаб чиқишида ҲК күндаланг кесими бўйлаб чизиқли ва максимуми қувур марказидан силжиган квадратик қонуният билан ўзгарадиган ҳолатлар ҳамда электр ва магнит майдонлари учун қуидаги чегаравий шартлардан фойдаланилди:

$$\begin{aligned} J_d &= 0, \frac{\partial \varphi_d}{\partial n} = 0; B_n^c = B_n^d; \nabla^2 \varphi_{\text{ю.э.}} = 0; J_{\text{ю.э.}} = -\sigma_{\text{ю.э.}} \nabla \varphi_{\text{ю.э.}}; \sigma_c \left(-\frac{\partial \varphi_c}{\partial n} + \mathbf{v} \times \mathbf{B} \right) = \\ &= \sigma_{\text{ю.э.}} \frac{\partial \varphi_{\text{ю.э.}}}{\partial n}; \frac{\partial \varphi_c}{\partial \tau} = \frac{\partial \varphi_{\text{ю.э.}}}{\partial \tau}; J_c = -\sigma_c \nabla \varphi_c; \sigma_c \frac{\partial \varphi_c}{\partial n} = \sigma_{\text{ю.э.}} \frac{\partial \varphi_{\text{ю.э.}}}{\partial n}; \frac{\partial \varphi_{\text{ю.э.}}}{\partial n} = 0. \end{aligned} \quad (11)$$


бу ерда J_c , J_d , $J_{\text{ю.э.}}$, φ_c , φ_d , σ_c , $\sigma_{\text{ю.э.}}$ – суюқлик, қувур деворлари ва юпқа электродлардаги мос равища ток зичлиги вектори, электр потенциал ва ўтказувчанликлари; n , τ – мос равища ташқи ва ички қувур деворларига перпендикуляр ва “Юпқа электрод-суюқлик” чегараси юзасидаги уринма текисликдаги бирлик векторлар; B_n^c , B_n^d – магнит майдонининг мос равища суюқлик, ташқи ва ички қувурлар деворларидаги нормал ташкил этувчилари; \mathbf{v} – ҲК даги суюқлик оқими тезлиги вектори.

“Суюқлик сарфини ўлчовчи ҳалқасимон каналли электромагнит ўзгартиргичлар асосий характеристикаларини тадқиқ этиш” номли тўртинчи бобда ишлаб чиқилган ССЎ ҲК ЭМЎларнинг статик, динамик характеристикалари, хатоликлари ва уларни камайтириш усуллари, шунингдек уларнинг амалиётда қўлланилиш масалалари ўрганилган.


Яратилган ССЎ ҲК ЭМЎ статик характеристикаси ўзгартиргич актив зонасидаги магнит майдони индукцияси ва суюқлик оқими тезлиги тақсимланишини ифодаловчи ҳосил қилинган математик моделларини ССЎ ЭМЎ асосий тенгламаси $\nabla^2 \varphi_c = \operatorname{div}(\mathbf{v} \times \mathbf{B})$ га қўйиб ва уни ҲК даги электр ва магнит майдонлари учун аниқланган чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда Femlab дастури ёрдамида ечиш асосида қурилди (3- расм).

Яратилган ССЎ ҲК ЭМЎ нинг ишлаб чиқилган математик моделлари (назарий) ва ўтказилган тажриба натижалари асосида қурилган статик характеристикалар ўзаро қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг фарқи $8 \div 11\%$ дан ошмайди ҳамда улар бутун ўлчаш диапазонида чизиқли кўринишга эга. ССЎ ҲК ЭМЎ чиқиш сигнали катталигига қувурдаги суюқлик оқими эпюрасини бузувчи манба - маҳаллий гидравлик қаршилик(дискли затвор-вентиль) таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар мавжуд ва яратилган ССЎ ЭМЎ ларда келтирилган ўлчаш хатолиги мос равища $\pm 8\%$ ва $\pm 1\%$ гача эканлигини кўрсатди (4- расм).

Ишлаб чиқилган ССЎ ҲК ЭМЎ ларнинг динамик характеристикалари қуидаги тўртта намунавий режимлар (таъсиrlар)да ўрганилди: 1) доимий магнит оқимли ЭМЎ киришига доимий гидравлик босим таъсир этади; 2) доимий магнит оқимли ЭМЎ киришига синусоидал гидравлик босим таъсир этади; 3) синусоидал магнит оқимли ЭМЎ киришига доимий гидравлик



3- расм. Яратилган ССҮ ХК
ЭМҮ статик характеристикалари:
узлуксиз чизиқлар – назарий; узлукли
чизиқ – экспериментал




4- расм. ССҮ ЭМҮ дан олдинда
үрнатилган вентилни сув оқими
тезлиги эпюрасини бузиши
натижасида юзага келадиган ўлчаш
хатоликлари эгри чизиқлари: а ва б –
мос равишида яратилган ва мавжуд ССҮ
ЭМҮ лар учун; Р – вентилнинг очилиш
даражаси, %

босим таъсир этади; 4) синусоидал магнит оқимли ЭМҮ киришига синусоидал гидравлик босим таъсир этади. Ушбу режимлар учун ўткинчи (ўтиш) кучланишлари ифодалари ҳосил қилинди. Хусусан, тўртинчи режим учун ифода қўйидаги қўринишга эга (5-расм):

$$U_{\text{э.чик.4}}(t) = \frac{R_{\text{э2}}R_{\text{э3}}k_1U_{\text{hm}}}{2R_{\text{э}}^2\sqrt{(1+\omega_h^2T_{\text{э}}^2)(1+\omega_h^2T_h^2)}} \left\{ \cos[(\omega_h - \omega_{\text{э}})t - \varphi] - \right. \\ \left. - \cos[(\omega_h + \omega_{\text{э}})t - \varphi] + \frac{2\omega_h \left[T_{\text{э}}^2(1+\omega_h^2T_h^2)e^{-\frac{t}{T_{\text{э}}}} - T_h^2(1+\omega_h^2T_{\text{э}}^2)e^{-\frac{t}{T_h}} \right]}{(T_h - T_{\text{э}})\sqrt{(1+\omega_h^2T_{\text{э}}^2)(1+\omega_h^2T_h^2)}} \sin\omega_{\text{э}}t \right\}, \quad (12)$$

бу ерда $R_{\text{э}}^2 = R_{\text{э1}}R_{\text{э2}} + R_{\text{э2}}R_{\text{э3}} + R_{\text{э3}}R_{\text{э1}}$; $R_{\text{э1}} = R_{\text{эс1}}$ – ЭМҮ актив зонасидаги суюқликнинг актив қаршилиги; $R_{\text{э2}} = R_{\text{эс2}}$ – актив зонадан ташқарида суюқлик индукцион ток бирлашадиган қисмининг актив қаршилиги; $R_{\text{э3}} = R_{\text{э.кир.}}$ – иккиласмчи ўлчаш занжирининг кириш қаршилиги; k_1 – пропорционаллик коэффициенти; U_{hm} – ЭМҮ киришига бериладиган синусоидал гидравлик босим амплитуда қиймати; ω_h , $\omega_{\text{э}}$ – мос равишида қувурдаги гидравлик босим ва магнит майдонини ҳосил қилувчи манба частоталари; $T_h = G_h L_h$, $T_{\text{э}} = (R_{\text{э1}}R_{\text{э2}}R_{\text{э3}}C_{\text{э}})/R_{\text{э}}^2$; – мос равишида гидравлик ва электр занжирларининг вақт доимийлари; G_h, L_h – гидравлик занжирнинг актив ўтказувчанлиги ва индуктивлиги; $\varphi = \text{Arctg} \left[\frac{\omega_h(T_{\text{э}} + T_h)}{1 - \omega_h^2 T_{\text{э}} T_h} \right]$.

